ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-61-71

“ОТЕЛЛО” ТРАГЕДИЯСИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ТАРЖИМА ВАРИАНТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Эсоналиевна Мунаввар Курбанова
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари Университети
3-курс таянч докторанти
kurbanovamunavvar1989@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Буюк инглиз драматурги Шекспирнинг асарлари кириб бормаган миллат адабиёти кам бўлса керак. Шу кунга қадар унинг трагедия, комедия, сонет ва хроникалари жуда кўп тилларга таржима қилинган. Асарлари орасида айниқса унинг трагедиялари жуда машҳур. Драматург пьесалари ичида ўзбек тилига таржима қилинган “Отелло” трагедияси саҳна асари сифатида катта шуҳрат қозонган. Мазкур мақола Шекспирнинг “Отелло” трагедиясини ўзбек тилидаги таржималари таҳлилига бағишланган. Ушбу мақолада биз бадиий таржимада муҳим жиҳат ҳисобланган муаллиф услубинини таржима матнларида қанчалик даражада сақланганини мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

Калит сўзлар: муаллиф услуби, семиотик, ситуатив, лексик-семантик, фразеологик бирикма, архаик сўзлар, реалиялар, лингвистик жиҳатлар, мазмун ва шакл, таржимон услуби.

КИРИШ

“Отелло” трагедияси Э.К. Чемберс фикрига кўра 1604 йилда яратилган, лекин у илк маротаба 1623 йил фолиосида босилиб чиққан. Ушбу трагедия мазмуни итальян ёзувчиси Жиральдо Чинтионинг “Венециялик араб” ҳикоясидан олинган. Лекин Шекспир ҳикоя мазмунига бир қанча ўзгартиришлар киритиб, уни турли образлар билан бойитган ҳолда воқеликлар кетма-кетлигини бир тизимга усталик билан жойлаган.

Шекспир трагедиялари ичида услуб жиҳатдан фарқ қилувчи ва энг реалистик асар “Отелло” трагедиясидир. Шу билан бирга бу трагедия ўша давр учун замонавий мазмундаги пьеса бўлган.

Шекспир трагедияларида инсоний фожеалар илдизи ижтимоий ва сиёсий масалаларга бориб тақалади. “Отелло” трагедиясида ҳам янги жамият келтириб чиқарган рақобатчиликка тўғри ёндашмаслик ҳасад сингари иллатларнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-61-71

вужудга келишига сабаб бўлган. Бу иллиат эса асар қаҳрамонлари фожеасининг бош омили бўлди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шекспирнинг “Отелло”си бошқа трагедияларидан фарқ қилишининг яна бир жиҳати, унда бирорта ҳам мистик образ (“Ҳамлет”), сеҳр-жоду (“Макбет”), ғайритабиий кучлар ва символик образлар учрамайди. Пьеса фақатгина трагедиянинг ижтимоий фонини ёритувчи персонажлар билан бойитилган.

“Отелло” трагедиясини илк бор 1940 йилда Ғ. Ғулом М. Лозинский таржимасидан фойдаланган ҳолда, рус тилидан ўзбек тилига ўгирган. 1991 йилда эса Ж. Камолнинг инглиз тилидан бевосита ўзбек тилига таржима қилинган варианти чоп этилди.

Шоир Ғ. Ғулом трагедияни аслиятга ҳам шаклан ҳам мазмунан яқин ҳолда таржима қилган. Шекспир услубига хос бўлган сўз ўйинлари, персонажлар характерини ёритиб берувчи турли ибора, мажоз ва ўхшатиш, бадиий тасвир воситалари ва ҳатто аслиятга хос бўлган драматик ритм ҳам таржимада ўз аксини топган.

Ғ. Ғуломдан фарқли равишда трагедияни инглиз тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилган мутаржим Ж. Камол ҳам муваффақиятли таржимани амалга оширган десак муболаға бўлмайди. Таржима нафақат аслиятга яқинлиги билан балки, Шекспир услубини маҳорат билан еткизиб берилганлиги кишини ҳайратга солади. Аммо таржима жараёнида иккиламчи нарса бирламчини такрорлай олмаганидек, “Отелло” трагедиясининг таржималарида ҳам баъзи жузъий камчиликларга йўл қўйилган. Кейинги ўринларда таржима матнини аслиятдан фарқ қилувчи жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Маълумки, назарий билимлар амалий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир. Назарий билимларсиз амалиётни бошлаш, давом эттириш, сақлаш мумкин эмас. Айнан бадиий таржима жараёнида ҳам назарий билим ва кўникмаларсиз мукаммал таржимага эришиб бўлмайди. Шу кунга қадар жаҳон адабиёти тарихида яратилган нодир асарлар турли тилларга бир нечта вариантларда таржима қилиб келинмоқда. Лекин барча таржима асарлар ҳам ўзида аслиятдаги давр нафаси, миллат руҳи, муаллиф услуби каби муҳим омилларни сақлаган дея олмаймиз. Бу эса ўз навбатида нафақат адабий нафисликларга путур етишига балки, миллатлараро маданиятларнинг тўғри ёйилишига тўсқинлик қилади. Натижада ўша асар яратилган давр, муҳит,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-61-71

маданият ва асар муаллифи услуби борасида нотўғри ёки чигал тушунчалар пайдо бўлишига олиб келади.

Биз таржима вариантларини қиёслаш орқали бу каби муаммоларни бартараф этишимиз мумкин. Қиёслаш жараёнида таржима назариясига оид билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади. Энг аввало таҳлилга тортилаётган асар қонуний мувофиқлик назарияси (теория закономерных соответствий) яъни, келиб чиқиши мувофиқ ва мувофиқ бўлмаган тиллар орасидаги таржима эканлигини билиш, ҳамда таржима назариясидаги моделлар (трансформацион, семантик-семиотик, ситуатив ва комуникатив) шартига қанчалик даражада мувофиқ келишини аниқлаб олиш лозим.

Таржима таҳлилидан асосий мақсад эса таржима вариантларида адекватликка эришиш воситалари (референциал, прагматик, грамматик)нинг талаблари қай даражада қондирилганлигини аниқлашдир. Бунда таржима таҳлили асосан тўртта лингвистик жиҳатлар (лексик-семантик, фразеологик, грамматик, стилистик) ни кўриб чиқиш орқали амалга оширилади.

First senator: We must not think the Turk is so **unskilful** **To leave that latest which concerns him first,** [Act I, Sc 3]	
Биринчи сенатор: **Маслаҳатим – ўйлаб кўринг шу жиҳатларни,** Турк дегани ахир унча **анойи** эмас *Жамол Камол таржимаси.*	*Биринчи сенатор:* Турклар ундай бир халқ эмас **мулоҳазасиз** *Ғафур Ғулом таржимаси.*

Юқоридаги жадвалда Шекспирнинг “Отелло” трагедиясидан парча ва унинг ўзбек тилидаги икки хил таржима вариантлари келтирилган. Дастлаб таҳлилни лексик-семантик жиҳатдан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маълумки, аслият адекватлигини таржимада таъминлаш учун мутаржимдан талаб қилинадиган асосий шарт бу унинг ўз тилидаги лисоний воситаларни аслиятга монанд тарзда қўллай олишидадир. Мана шу шарт тўлиқ бажарилгандагина асарнинг ўзга тилда айнан ўхшаш иккиламчи нусхаси яратилганлигига шубха қолмайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-61-71

Ушбу парчадаги “*We must not think the Turk is so* **unskilful**” мисраси ўзбек тилига “*Биз туркларни* **тажрибасиз** *деб ўйламаслигимиз керак*” (Таржима – МК) тарзида таржима қилинади. Мисрадаги Шекспир қўллаган “***unskilful***” сўзи луғатда “***тажрибасиз***” деган маънони англатади. Жамол Камол таржимасида бу сўзга эквивалент сифатида “***анойи эмас***” сўзи танланган. Анойи сўзи ўзбек тили изоҳли луғатида – ўз ишига пухта эмас, бировнинг сўзига лаққа учадиган; содда, гўл деган маънони англатади. Бу ўринда таржимоннинг “*тажрибасиз*” сўзи ўрнига “*анойи эмас*” сўзини қўллаши луғавий жиҳатдан бир-бирига синоним бўла олмасада, аммо контекстуал маъно жиҳатдан мос келади. Чунки асарда жангдан олдин турк қўшинларининг қарши тараф учун уюштиражак харбий ҳийласидан хабар топганликлари ҳақида гап кетади. Яъни бу ўринда таржимоннинг турклар ҳам содда эмаслигига ишораси мавжуд. Ж. Камол таржимаси жозибадор ва сермазмун бўлсада, бир жиҳат борки, бизни масалани чуқурроқ ўйлаб, моҳиятини теранроқ англашга мажбур этади. Бу ҳам бўлса, аслиятдаги миллийлик масаласи. Таҳлил бошидаёқ хулосага тегишли фикрни дебоча қилишдан мақсад – ўқувчини эътиборини таҳлилимизга нишон бўлган биринчи мисрада келган “анойи” сўзига жалб қилишдадир. Сабаб, бу сўзни фақатгина ўзбек тилига хос эканлигини ҳисобга олсак, айнан мана шу сўз аслиятни таржимадаги миллийлигини йўқолишига “хизмат қилган”. Шекспир ижодига тегишли асарнинг асли билан таниш бўлмаган, драматургнинг услубидан мутлақ бехабар ҳар қандай ўқувчи келтирилган қатрани инглиз миллатига мансуб шахс ёзганига асло ишона олмайди. Табиийки, асарни ўзбек ёзувчиси қўли билан битилган ижод маҳсули сифатида завқ билан ўқиб, енгил хазм қилади. Ваҳолангки, ўзга тилда битилган асарлар аслиятга қанчалик монанд бўлса, китобхоннинг ўша миллат ҳақидаги билимлари шунча кўп ортади. Бу эса ўқувчининг фикр доираси кенгайиб, ҳаётга янада теранроқ, янада бойроқ тажриба билан қарашига ёрдам беради. Ҳаётда кўрган, ўқиган, эшитган ва ҳис қилган барча нарсаларимиз маълумотдир. Ҳар бир маълумот эса ўзига хос билим демакдир.

Худди шу мисрани Ғ. Ғулом таржимасида кузатамиз: “*Турклар ундай бир халқ эмас* ***мулоҳазасиз,***”. Таржимон “**unskilful**”га эквивалент сифатида “**мулоҳазасиз**” сўзини танлаган. Бу сўзни ўйламасдан иш қиладиган деган маъно англатишини ҳисобга олсак, кўриниб турганидек бу икки сўз ҳам маълум жиҳатдан эквивалент бўла олсада, луғавий маъносига кўра бир-бирини ўрнини боса олмайди. Асар таркибидаги ҳар бир унсур, муайян маъно ва услубий тугалликда муҳим аҳамият касб этади. Таржима жараёнида лексик бирликларга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-61-71

мос эквивалент танлашда шакл ва мазмунни сақлаш учунгина ёндашиш таржима матнидаги маънони хиралашишига сабаб бўлади.

Аслиятдаги кейинги мисра "*To leave that latest which concerns him first,*" – "*Аввал бошда ўзларига тегишли бўлган сўнгги нарсани ташлаб*," (сўзма-сўз таржима - МК) иккала мутаржим таржималарида ҳам тушириб кетилган.

Таржима назарияси бўйича иш олиб борган турли олимлар хулосасига кўра, шеърий асарнинг таркибий унсурлари бўлган тил услуби, образлар, вазн ва қофия, сўз ва товуш ўйини каби элементларни таржимада тўла ва аниқ қайта ишлаш ақл бовар қилмас ишдир. Бунда мутаржимнинг юқорида санаб ўтилган элементлардан жуда бўлмаганда иккитасини таржимада тўғри бера олиши табиий ҳол ҳисобланади. Шеърий таржима жараёнида ҳисобга олиш лозим бўлган яна бир жиҳат борки, бу - таржиманинг пухта чиқишини таъминлайди. Грамматик меъёрларга амал қилиш нафақат жумланинг шаклини чиқаришга, балки унинг мазмунини бойитишга ҳам хизмат қилади. Аслиятдаги биринчи мисрада келган эргаш гапли қўшма гапни Ж. Камол иккита алоҳида мустақил гап кўринишида таржима қилган:

1. "***We must not think***" – "*Маслаҳатим – ўйлаб кўринг шу жиҳатларни,*"
2. ***"the Turk is so unskilful" -*** *"Турк дегани ахир унча анойи эмас,"*

Таржимоннинг асар ғоясини очиб беришда луғавий бирликлардан моҳирона фойдаланганлиги таҳсинга сазовор, албатта. Аммо, гапдаги олмошлар таржимасида ҳаддан зиёд эркинликка йўл қўйилганлиги асар мазмунини англашда бироз чигаллик юзага келишига сабаб бўлган. Аслиятдаги "***We*** *must not think*" ("*Ўйламаслигимиз керак*") жумласидаги "**We**" – III шахс кўплик олмоши Ж. Камол таржимасида "ўйлаб кўринг" – ("сиз ўйлаб кўринг") – II шахс кўплик олмошига алмаштирилган. Бу билан гап мазмунидан бир сенатор бошқа сенаторларга қарата буйруқ оҳангида мурожаат қилган деган хулоса келиб чиқади. Ваҳолангки, асар мазмунидан ва ўша муҳит таъсиридан келиб чиқиб хулоса қилинса, барча сенаторлар тенг ҳуқуққа эга ва давлат аҳамиятига молик бўлган масалаларда бахамжиҳат ўйлаб - қарор қабул қилишни давлат бошқарувчисига ҳавола қилиш кераклигини англаш қийин эмас. Яна бир жиҳат, таржимада "***not think***" бўлишсизлик маъносини берувчи сўз – унинг антоними бўлган "**ўйлаб кўринг**" бўлишли шаклига алмаштирилиши таржима маъносини сақлаган бўлсада, шакл жиҳатдан ўзгаришга учраган. Аслиятда учрамайдиган гапдаги "*Маслаҳатим*" ва "*шу жиҳатларни*" сўзлари эса таржимон томонидан шакл чиқариш ҳамда мазмунни тўлдириш учун таржимон томонидан жумлага киритилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-61-71

Иккинчи таржимон Ғ. Ғулом эса аслиятдаги эргаш гапли қўшма гапни – мураккаб гапга айлантириб таржима қилган: “*We must not think the Turk is so unskilful*” – “*Туркlар ундай бир халқ эмас мулоҳазасиз*” (Ғ. Ғулом таржимаси). Бу таржимада гапнинг биринчи қисми ташлаб кетилгани ҳолда, фақатгина иккинчи қисм (“*the Turk is so unskilful*” – “*Туркlар ундай бир халқ эмас мулоҳазасиз*”) таржима қилинган. Шунда таржимада тушириб кетилган гапнинг биринчи қисмидаги бўлишсизлик маъносини берувчи “**not**” ёрдамчи сўзи Ғ. Ғулом таржимасида иккинчи гапдаги “**эмас**” эквиваленти билан алмаштирилган. Юқоридаги жумла таржимасида мутаржим шакл жиҳатдан таржимага бир қадар тўғри ёндошган бўлсада, баъзи лексик бирликларнинг тушириб қолдирилиши контекстуал маъно жиҳатдан фикрнинг тугалланмаганлигига таъсир кўрсатган.

Brabanzio: **A maiden never bold,** **Of spirit so still and quiet that her motion** **Blushed at herself** – [Act I, Sc 3]	
Брабанцио: Ахир, қизим **оҳу каби ҳуркак** қиз эди, **Ювош, камтар эди, иффат, ҳаёси баланд.** **Салга қизаргувчи эди, хижолат чекиб,** *Жамол Камол таржимаси.*	*Брабанцио:* **Айбламай нечун уни? Ўзингиз ўйланг** – **Ор-номусли ва иффатли гулдай қиз эди.** Қизарарди ҳатто оддий **ўз қилиғидан,** *Ғафур Ғулом таржимаси.*

Навбатдаги мисолда асл нусхада жами 26 та сўз бор. Биринчи таржимада бу миқдор 35, иккинчи таржимада эса 30 нисбатида ўзгарган. Яъни бунда Шекспир матнида мавжуд бўлмаган бир нечта сўзлар қўшилган. Чунончи, Ж. Камол таржимасида аслиятда мавжуд бўлмаган “*қизим*”, “*оҳу каби*” “*ҳуркак*”, “*ювош*”, “*камтар*”, “*ибо-ҳаёси баланд*”, “*қизаргувчи*”, “*хижолат чекиб*”, “*гов тушиб*” каби лексик бирликлар ва фразеологик бирикмалар қўшилганини кузатиш мумкин. Ғ. Ғулом таржимасида эса биринчи жумладаги риторик сўроқ гап – “*Айбламай нечун уни?*” ва “*Ўзингиз ўйланг*” сўз бирикмаси, ҳамда “*ор-номусли*”, “*иффатли*” “*гулдай қиз*”, “*ўз қилиғидан*” каби сўз ва сўз бирикмалари таржимон томонидан киритилган. Таржима жараёнида нафақат ҳар бир қўшилган сўз, балки ўзгартирилган қўшимча ёки кичик боғловчилар ҳам

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-61-71

иккиламчи матнга янги тушунча, янги маъно ва ўзгача тафсилот олиб киради. Шунинг учун ҳам рус таржимони ва ноширi Лев Гинзбург кимки асарни айнан ўзидай, соф ҳолда кўришни истаса, унинг аслига мурожаат қилсин деб бежиз айтмаган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Аслини олганда алоҳида келган товуш ёки бирор қўшимча мустақил маъно англатмайди. Тилнинг қанчалик бой ва жозибадор эканлиги ундаги сўзларнинг мўл ва ранг-баранглиги билан ифодаланади. Бадиий таржима жараёнида мутаржим олдида лексик-семантик жиҳатдан кўндаланг бўладиган асосий муаммолардан бири - бу таржима қилинаётган тилда аслиятдаги баъзи сўзлар эквивалентининг мавжуд эмаслигидир. Тўғри, бу каби сўзларни таржима матнида айнан ўзидек эквиваленти топилмаган ҳолатда, бошқа бир лексик бирлик, фразеологик бирикма ва хатто эргаш гапли қўшма гаплар ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин. Бундай таржималар оҳанг, ритм, ғоя жиҳатдан аслиятга адекват бўла олсада, лекин бадиий таржиманинг энг муҳим жиҳати бўлган муаллиф услуби иккиламчи матнда сақланмаслиги мумкин. Юқоридаги жадвалда Дездемонани Отелло билан яширинча никоҳдан ўтганидан хабар топган ғазабнок отанинг надоматга тўла нутқидан парча мисол тариқасида келтирилган. Умумий олиб қаралганда иккала таржима ҳам аслият мазмуни ва ғоясини ўзида сақлаган ҳолда ҳис-туйғуларга бой, ранг-баранг сўз ва иборалар орқали ўзбек тилига моҳирона ўгирилган. Лекин парчани лексик-семантик ва грамматик жиҳатдан синчиклаб ўрганилса, таржима матнида йўл қўйилган бир нечта жузъий камчиликларни пайқаш мумкин. Масалан, биринчи жумлада келган “*maiden*” (“*бўй етган қиз*”, “*вояга етган қиз*”) сўзини Ж. Камол “*ҳуркак қиз*” тарзида таржима қилган. Ҳамда бу сўз олдидан аслиятда мавжуд бўлмаган “*оҳу каби*” сўз бирикмасини қўллаш орқали ўхшатиш санъатидан фойдаланган. Шундай бўлсада, “**A maiden never bold**” – “*бўй етган қиз жасур бўлмас*” (таржима - МК) жумласи Ж. Камол томонидан ҳам лексик-семантик, ҳам грамматик жиҳатдан аслиятдан йироқ таржима қилинган бўлса, Ғ. Ғулом таржимасида бу жумла ўзбек тилига ўгирилмаган деган хулосага келиш мумкин.

Ҳар бир тилдаги сўзларнинг семантик томондан ўзаро бирикиши турли хусусиятларга кўра амалга ошади. Бу масала таржима жараёнини бироз мураккаблаштиради. Шекспир ижод этган даврлар XVI аср охири, англосаксон тилидаги чатишув жараёнлари ниҳоя топиб, миллий тилнинг барпо бўлиш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-61-71

жараёнига тўғри келади. Драматург услубидаги ўзига хосликлар, сўзларнинг семантик жиҳатдан бирикишида кўзга ташланувчи ноаниқликлар, баъзи гап бўлаклари жойлашувининг грамматик қоидаларга тўғри келмаслиги ва асарларидаги янги сўзлар, релиялар ва архаик сўзларнинг ҳаддан зиёд кўп учраши бунга далилдир. Шекспир тили шу қадар мураккаб, услуби шу қадар турфаки шу кунгача ҳеч бир таржимон бошқа тилда даҳо драматургнинг айнан нусхасини ярата олган эмас. Шакл сақланган таржимада мазмун йўқолган, мазмун тўлдирилган жойда шакл ўзгарган. Барча жиҳатдан ғолиб мутаржим ижодида эса услуб бой берилган.

"*Of* ***spirit*** *so* ***still*** *and* ***quiet*** *that her* ***motion***

Blushed at herself *– and she in spite of nature***,**" мисраларини Ж. Камол таржимаси билан солиштирадиган бўлсак, ундаги айрим сўзларнинг эквиваленти мутлақо бошқа маъно англатувчи лексик бирликлар билан алмаштирилганини кўришимиз мумкин.

"***Ювош***, ***каттар*** *эди,* ***иффат***, ***ҳаёси баланд***.

Салга қизаргувчи *эди,* ***хижолат чекиб***,"

Масалан, аслиятдаги "*spirit*" – "*руҳ*", "*қалб*" сўзи таржима матнида учрамайди. Таржимон "*still*", "*quiet*" – "*сокин*", "*тинч*" каби сифатларнинг ўрнига лексик жиҳатдан мутлақо синоним бўла олмайдиган "*ювош*", "*каттар*" каби сифатларни эквивалент сифатида қўллаган. Таржима матнидаги "*иффат, ҳаёси баланд*" сифати ва фразеологик бирикма аслиятда мавжуд эмас. "Ўта уятчан" маъносини берувчи "*Blushed at herself*" фразеологик бирикмасидаги "*blush*" ("*уятдан қизариш*") сўзи дастлаб Шекспир асарларида учрайди ["Henry VI", "Othello"]. Ж. Камол бу сўзга эквивалент сифатида "салга қизаргувчи" лексик бирлигидан фойдаланади. Кейинги ўринда келган "*ҳижолат чекиб*" фразеологик бирикмани таржимон маънони бойитиш ва шакл чиқариш мақсадида таржима матнига киритган. Эътибор билан қаралса, шу икки мисрада келган фақатгина "blushed" (blush+ed) феълидан гапнинг ўтган замонда эканлигини англаш мумкин. Лекин таржима матнидаги бир нечта ўринларда келган "*эди*" ёрдамчи феълининг қўлланилиши контекстуал маънони кучайтиришга хизмат қилган.

Худди шу парчани ўзбек тилига ўгирган Ғ. Ғуломда ҳам юқоридаги ҳолатлардан баъзи бирларига дуч келамиз:

Ор-номусли ва **иффатли гулдай қиз эди.**

Қизарарди ҳатто оддий ўз қилиғидан,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-61-71

Яъни, бу таржимон ҳам *“spirit”* сўзини таржимада тушириб қолдириш билан бирга, *“still”, “quiet”* сифатларини *“ор-номусли”, “иффатли”* эквивалентлар билан алмаштиради. Аммо бу эквивалентлар бир-бирига синоним бўла олмаслиги билан аслият мазмунига сезиларли таъсир кўрсатган. Шекспир парча орқали Дездемона отаси тилидан қизнинг қанчалик уятчан ва журъатсиз бўлганлигини таъкидлагани яққол кўриниб турсада, иккала таржимонда ҳам аслиятда учраган сифатлар ўрнига бошқа маъно берувчи сифатлар қўлланилгани туфайли услубий бўёқдорлик бўрттириб кўрсатилган. Натижада, таржима матнлари ҳажм жиҳатидан аслиятдан фарқ қилган. Ўзидан олдин келган сифатларни мазмун жиҳатдан бойитишга хизмат қилган “*гулдай қиз*” метонимияси ҳам аслиятда учрамайди. *“Blushed at herself”* фразелогик бирикмасини эса луғавий маънолари бир хил бўлган “*қизарарди ҳатто оддий ўз қилиғидан*” гап кўринишида таржима қилган. Бу билан таржима матнида Шекспирга хос услубий ихчамлик йўқолган. Шекспир услубидаги яна бир кўзга ташланувчи грамматик жиҳат борки, буни ўзбек тилига таржимада етказиб беришнинг ўзи мураккаб жараён. Бу ҳам бўлса Шекспир асарларидаги гап бўлакларининг бир-бири билан одатий предикатив йўл билан (эга-кесим муносабати оркали ифодаланган субъектли муносабат) боғланмаслигидир. Драматург услубидаги ихчамликнинг асл негизи ҳам айнан сўзларнинг бир-бири билан мувофиқлашув асосида бирикишига бориб тақалади. Бунга жумлаларда гапнинг асосини ташкил қилувчи фэълларни учрамаслиги, морфлар бир-бири билан кўпинча қаратқич ва қаралмишлар орқали бирикиши ёрқин мисол бўла олади. Балки, Лев Толстойнинг Шекспир услубига нисбатан эътирози ўлароқ вужудга келган танқидий очеркига ҳам драматург услубига хос айнан мана шу хусусият сабаб бўлгандир. Чунки ёзувчи услубидаги хусусиятлар асаридаги деярли ҳар бир сўзда намоён бўлади.

Дездемонанинг отаси қизининг Отеллога бўлган муҳаббати чин севги эмас аксинча, буни ортида қандайдир сеҳр-жоду ётганига қаттиқ ишонади. Чунки Венеция амалдорининг яккаю-ягона соҳибжамол, табиатан жуда уятчан ва нозиктаъб қизи арабистонлик мавр (Шекспир асарда мавр (Moor – a member of a group of Muslim people who lived in North Africa and who controlled southern Spain between the 8th and 15th centuries.) сўзини бир неча бор такрорлайди. Бу сўз асосан Отеллони кўпам ҳушламайдиган образлар (Яго, Дездемонанинг отаси Брабанцио) тилидан айтилганлиги ҳисобга олинса, Отелло венецияликлар томонидан ирқ жиҳатдан тенг кўрилмаган деган хулоса келиб чиқади. Айнан шу нарса Дездемонани Отеллога бўлган муҳаббати ва у билан никоҳдан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-61-71

ўтишгача борганлиги Брабанционинг ҳайрати ва изтиробига сабаб бўлган. Аслида Шекспир трагедиялари ичида энг соф, ҳаётий ва мулоҳазали, айни пайтда энг фожеали якун топган севги қиссаси Отелло ва Дездемона ўртасидаги муҳаббатдир. Мансаби, насл-насаби, ёши ва ирқий тафовутларга қарамасдан Дездемонани Отеллога кўнгил қўйиши – албатта ғўрликда жўш урган ҳис-туйғулар важидан эмас, аксинча Отеллонинг бошдан ўтказган росмана саргузаштлар ва ундаги машаққатлар чиниқтирган ҳақиқий эр кишининг соф туйғуларга тўла изҳорлари натижасидир.

ХУЛОСА

Бадиий таржима маълум халқнинг ижтимоий-эстетик онги тараққиётини кўрсатибгина қолмай, унинг бошқа мамлакатлар адабиёти ва маданияти билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатувчи муҳим омиллардан бири хисобланади. Бу жараён миллатларни нафақат бир-бирларининг билим ва тажрибалари, балки уларнинг бадиий қарашлари, дунёқарашининг хилма-хиллиги билан ҳам бойитади. Тиллар ва маданиятларнинг муштараклиги бадиий асарларнинг тўғри таржималари мавжуд бўлгандагина юзага келиши, бунга эришиш осон эмаслиги таржимашунослик тажрибаларидан бизга маълум. Таҳлил жараёнида кўрилган камчиликлар ҳар қандай таржима матнларида учраши мумкин бўлган ҳолдир. Шундай экан забардаст таржимонларимизнинг адабий меросга улкан ҳисса қўшганлари таҳсинга сазовор.

REFERENCES

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.1. “Ўзбекистон” нашриёти.Т.: – 2020. – 592-бет. 679 б.
2. Жамол Камол таржимаси. Шекспир, Вильям. Танланган асарлар. – Т.; “Адабиёт ва санъат” нашриёти,1991.272-бет. 784 б.
3. Ғафур Ғулом таржимаси. Шекспир, Вильям. Танланган асарлар: 5 жилдлик. 1-жилд.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,1981.273-бет. 488 б.
4. The Complete Works Paperback – April 21, 2005 by William Shakespeare Publisher: Oxford University Press España, S.A.; 2nd edition (April 21, 2005) Language: English Paperback: 1424 pages ISBN-10: 0199267189 ISBN-13: 978-0199267187. P.891.
5. Томахин, Геннадий Дмитриевич.Теоретические основы лингвострановедения (на материале лексических американизмов английского языка): диссертация ... доктора филологических наук: 10.02.19. - Москва, 1984. - 487 с.: ил.Общее языкознание OD 71 85-10/71 1

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-61-71

6. Жаҳон адабиёти адиблари ҳақида: (Озод Шарафиддинов таржималари) – Т.: “МАънавият”, 2010. – 392 б.
7. Macmillian English Dictionary. Michael Rundell. Published in 2007 by Macmillan Education. P 970. 1748 pages.
8. Қудрат, Мусаев. Таржима назарияси асослари: Дарслик. Т.: “Фан” нашриёти, 2005.- 22-бет. 352 б.
9. Халлиева, Гулноз. Қиёсий адабиётшунослик. – Тошкент: Академнашр, 2020. – 32-б.
10. Ф. Сулаймонова. Шекспир Ўзбекистонда. “Фан” нашриёти. Т.: - 1978. 119-бет.
11. William Shakespeare. The Complete Works. Edited by Wells and Taylor. Published in the United States by Oxford University Press., New York – 2005. 1344 pages.
12. Мусаев Қ. Инглиз тилидан ўзбек тилига бадиий таржиманинг стилистик масалалари: Филол. фан. номз....дисс. – Самарқанд, 1967. – 140 б.
13. Абдуллаев Ш. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси: Филол. фан. номз....дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 21 б.
14. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. – Т.: “Фан”, 1964. – 212 б.
15. Oxford idioms dictionary. Ben Francis. Published in 2017 by Oxford University Press. 470 pages.
16. Webster’s New Encyclopaedic Dictionary. – New York: Black Dog and Leventhal Publishers, 1993. - 1787 p.
17. Longman dictionary of English idioms. – G.B. The Pitman Press, 1979. – 387 p.
18. Macmillian Collocations Dictionary. – Published in 2013 by Macmillan Education. 911 pages.
19. Macmillan Phrasal Verbs Dictionary. Michael Rundell, Liz Faulkner. Published in 2005 by Macmillan Education. 522 pages.
20. 128. Наргиза Досбаева. Бадиий таржимада услуб. – Т.:” Фан ва технология”, 2016. – 31-бет. 120 б. https://kitobxon.com/uz/online-reader/3952
21. Пинежанинова Н.П. Индивидуальный стиль и звуковая организация поэтической речи. Изд-во С-Петербургского ун-та. СПб.: 1999. https://www.dissercat.com/content/osobennosti-individualnogo-stilya-leonida-martynova
22. Гончаренко С.Ф. Поэтический перевод и перевод поэзии. Электрон ресурс, 2005 //http://orus.slavica/org/node/1734
23. 133. Antal, Laszlo (1963). "Interpretation and Transformation." Linguistics,2,pp.16-25. https://www.degruyter.com/document/doi/10.1515/ling.1963.1.2.16/html